

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Миллий Антидопинг агентлиги  
марказий аппаратининг вакант лавозимларига қўйиладиган  
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

<i>Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича бош мутахассис</i>		
<b>Маълумот</b>	Олий	<i>Камида бакалавр даражасига эга бўлиши лозим.</i>
<b>Мутахассислик</b>	Кадрлар сиёсати ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида билим ва кўникмаларга эга мутахассис устуворликка эга	<i>Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлган тақдирда кадрлар сиёсати соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.</i>
<b>Меҳнат стажи</b>	2 йил	<i>Камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлиши лозим</i>
<b>Давлат тилини билиши</b>	Давлат тили	<i>Суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим. Бунда Танлов комиссияси таркибига ташкилот раҳбарининг Давлат тили бўйича маслаҳатчиси аъзо сифатида киритилиб, у томонидан баҳоланади. Қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.</i>
<b>Хорижий тилни билиш даражаси</b>	Инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради	<i>Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлиб қолган тақдирда хорижий тилни билиш даражаси белгиланган IELTS, TOEFL, IBT, CEFR каби сертификатларнинг даражасига қараб юқори даражага эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.</i>
<b>Компьютер саводхонлиги</b>	Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга, MS Office дастурий тўплами ҳамда Интернет тармоғидан эркин фойдаланиш	<i>Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим. Номзоднинг тест синови босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади. Бунда тест синови натижаси бўйича қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига</i>

		<p>киритилади. Тест синови саволлари таркибидаги АКТ йўналиши вази ташилот томонидан белгиланади.</p>
<p><b>Қўшимча талаблар</b></p>	<p>Соҳа бўйича меъерий-хуқуқий ҳужжатларни билиши, уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш тажрибаси, доимий равишда малакасини оширганлиги</p>	<p>Давлат органида кадрлар сиёсати ва ҳисобини олиб бориши, инсон ресурсларини ривожлантириши, ижро интизомини таъминлашга оид барча вазифаларни бажариши, соҳага оид турли амалий электрон дастурларда (e-Xat, e-Imzo, mehnat.uz, Ijro.uz, project.uz ва ҳакозолар) ишлаш. - Хушмуомилалик ва тартибликка эга бўлиши; - Жамоада ишлаш қобилиятига эга бўлиши; - Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши кураш тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилиши; - Зарур ҳолатларда меъёрланмаган иш кунни тартибда ишлашга тайёр бўлиши (бошқа кунни дам олиши шаклида компенсация қилиниши шарти билан); - Зарур ҳолатларда Ўзбекистон ҳудудларига қисқа муддатли (1-7 кун) хизмат сафарига боришга тайёр бўлиши.</p>